

## ЎСМИРЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МУНОСАТЛАРДАГИ АДАПТАЦИОН ВА ДЕЗАДАПТАЦИОН ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**Сулийманова Хуморохон Улугбек қизи**

Чирчик давлат педагогика университети магистранти

[xumorasuleymanova1993@gmail.com](mailto:xumorasuleymanova1993@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оилавий муносабатларда ўсмирлар рухиятининг тушиб кетиши ёки меъёрий мезонларга мослаша олмаслик, ушбу ҳолатларнинг келиб чикиши сабаблари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг психологик усули ёритилган.

**Калит сўзлар:** Эмоция, оилавий муносабатлар, ижтимоий-психологик, дезадаптация, омил, шахслараро гурух, агрессив хатти-ҳаракат, дисфункционал, аффект.

Жамиятда юз бераётган турли ходисалар, табиатдаги ижтимоий вазиятлар ҳар бир инсонда ўзгаришларнинг келиб чикишига сабаб бўлмокда. Бугунги куда бутун дунёда бўлгани каби оила мустаҳкамлиги ундаги соғлом муносабатлар, узаро эмоционал якинлик хислари инсоннинг хаёт давомида учраб турадиган турли оғир вазиятларга нисбатан имунитет хосил килиш долзаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон томонидан ушбу вазиятларга нисбатан салбий муносабатлар бевосита ижтимоий-психологик мослаша олмаслик бир суз билан айтганда дезадаптация ҳолатларининг келиб чикишига сабаб бўлади.

Дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар орасида илк уларок оилани алоҳида такидлаб утиш жоиз. Ушбу омилларнинг уз вактида англаш ва бартараф этиш ўсмир шахсини шаклланишда катта ахамият эгаллайди.

Дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаблар:

1. Усмирлар оилавий анамнезининг оғирлашуви.
2. Нотулик ва носоглом оилалар.
3. Оиладан ташкарида референт гурухларнинг салбий тарбиявий таъсири.
4. Ичкиликка берилган ота ёки она.
5. Ота-оналардан бирининг руҳий касаллиги.
6. Оиладаги дисгармоник муносабатлар ва келишмовчиликлар.
7. Фарзанднинг болаликдан тан олинмаслиги .
8. Жисмоний ва руҳий тажовузнинг юкорилиги.

Оила - ҳар биримизнинг эҳтиёжларимизни қондирувчи ва ижтимоий химоя қилувчи тизимимиздир.

Оила - яхлит бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўладиган шахслараро гурухдир. Бу тизимнинг барча кисмлари занжир каби бир билан алокада булар экан, оила аъзоларидан бири вазиятни яхшиланиши ёки ёмонлашувини аник равишда бошкalarнинг рухиятига ўтказмасдан қолмайди.

Баъзи ҳолларда ота-оналар «Нима учун тенгдошлари билан чикиша олмаябти?», «ўқишидаги муаммонинг оламизга кандай алокаси бор?», «Уқитувчи нима учун бола билан яхши муносабатларга нега кира олмайди?» шаклидаги турли саволлар билан мурожаат этадилар. Ваҳоланки, ҳар бир ота-она уз фарзанди рухиятидаги айрим ўзгаришларни ўқитувчидан кўра яхши билиши, ўқитувчи эса усмир хулқ-атворидаги ота-она пайкамаган томонларни яхширок билиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўсмир таълимтарбиясида ота-оналарнинг таълим муассасаси билан ҳамкорлиги дезадаптация жараёни келиб чикиш сабабларини олдини олиши ва бартараф этишга ёрдам беради. Агарда оиласда усмирлик даврида ижтимоий психологик дезадаптация холатлари уз вактида аникланиб бартараф этилмас экан, усмир шахсининг камолотига жиддий салбий таъсир курсатиши мумкин булган оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу холат куйидагиларга олиб келади:

- ўсмирнинг узига бўлган ишончининг пасайиб кетиши натижасида масъулиятсизлик, бокимандалик, агрессив хулк куринишларининг шаклланиши;

- невроз холатининг вужудга келиши ва хатто психик бузилишларга сабаб булиши;

- ташқаридан уни тушинадиган инсон қидириши натижасида оқимларга ёки наркотик моддаларга тобе бўлиб қолиши;

- ва нихоят суицид оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Психолог тадқиқотчилар томонидан агрессив хатти-ҳаракатлар намоён бўлишининг қуйидаги сабаблари ҳам ўрганилган:

- тарбиянинг мувозатлашмаган шакллари ўз ўзига хаддан зиёд нодаекат паст баҳо бериш юқори даражада импульсивлик, алгкоголь ва наркотик моддалари истемол қилиш компьютер ўйинларига тобелик

- хулқий омиллар (атрофдагилар ҳаётида ҳалақит қилувчи омиллар (ўз вақтини мақсадсиз ўтказиш, мактабдаги дарсларни сабабсиз қолдириш ўзлаштириш даражасининг пастлиги эрта жинсий алоқаларга кириш , ва х-зо);

- ижтимоий омиллар (ОАВ психологик таъсири, жамиятда удум ва маросимлар, ота онанинг хулқий бузилишларга эга эканлиги, оиласининг ижтимоий мавқеининг пастлиги тарбиячиларнинг ўзгариши;

- ўсмирнинг тарбияда хулқий оғишлари шаклланган дўстлар билан яқинижтимоий алоқалар ўрнатиши (тақлид феномени);

- ички оиласвий низолар (ота онаининг ажралиши, иккинчи никоҳдаги фарзандлар, ўсмирнинг ўзлаштирилишига ота она томонидан ўсмир

қобилиялари, қизиқишилари инобатга олинмаган ҳолда хаддан зиёд юқори талабаларнинг қўйилиши.

Дисфункционал оиласларда тарбияланаётган ўсмирларда агрессив хулқ кўринишларининг шаклланиши эхтимоли функционал оиласларда тарбияланаётна оиласлардаги ўсмирларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

Оиладаги ҳаддан зиёд ўсмир эркинликларини чеклаш ёки аксинча ота она томонидан сурункали бефарқлик ҳам шунингдек агрессив хулқ кўринишларини шаклланишга олиб келади. Агрессив хулқ оилада ўсмирнинг эркинликлари хадан зиёд чегаралангандаги ёки унга ҳаддан зиёд эркинликлар берилгандаги ҳам шаклланиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбияси қийин; инжиқ, хулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари, педагогик ва психологияк сабаблари ҳам мавжуд. Ўқувчиларда ножӯя хатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузиш ёки қоидага хилоф иш қилиш даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва оддий қоидабузар (тартиббузар) грухларга ажратилади. Тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Тарбияси қийинларни ўрганишда киноловхалар, юридик варақа, ишонтириш, рағбатлантириш, бўйсундириш, қўрқитиши, "сунъий қийин ҳолатни яратиш" сингари усувлардан фойдаланилади.

Жамиятда ўсмирларда ноёб қобилияларини намоён эта олиш имкониятларини топа олишга ёрдам бериш, уларнинг қизиқишилари ва эхтиёжларини инобатга олиш ҳамда фойдали тўгаракларга, касб-хунарга йуналтириш, кичик мақсадларини ушалишда қуллаб-куватлаш ўсмир учун катта туртки бўлади.

М.Далимованинг илмий тадқиқот иши болалардаги тобе ахлоқ ва унинг психологик моҳияти, компьютер ўйинларига тобеликни келтириб чиқарувчи омиллар, компьютер ўйинларига тобелик ўсмирларда вербал ва жисмоний агрессиянинг ортишини, бу билвосита агрессиянинг ҳамтуғилишига туртки бўлганлигини аниқланган. Тожикистон олимлари томонидан ўсмирлик даврида ҳиссий ҳолатлар, ўсмир шахси шаклланишига таъсир этувчи омиллар муаммолари хақида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо, агрессив хулқатвор муаммоси маҳсус психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди

Болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва қонунбузарликларнинг олдини олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш тафсия этилади:

- хулқ оғишига майил болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, руҳий бекарорлик, ўзгарувчанлик, аффектга майиллик каби хусусиятларнинг яққол

ифодаланганлигидан келиб чиқиб, улар яшаётган оила ва ижтимоий мухитни соғломлаштириш, шахслараро муносабатларни яхшилаш натижа беради;

- вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида болалар ва ўсмиirlар фаолиятини назорат қилмаслик, оиласда бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши кабилар намоён бўлганлигидан келиб чиқиб, оиласда ва оиласдан ташқарида болалар ва ўсмиirlар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оиласда бола тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир;

- криминоген хулқли оиласларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмиirlар аҳволидан хабардор бўлиб туриш;

- моддий майший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишлигини ҳисобга олиб, бундай оиласларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш;

- ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмиirlарга нисбатан қўлланилаётган қаттиққўл, қўпол ва адолатсиз муносабатларга барҳам бериш;

- вояга етмаганларда хулқ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмиirlар психологиясини билмасдан туриб муносабатда бўлишликлари натижасида келиб чиқаётганлигини ҳисобга олиб ота-оналар ва ўқитувчиларнинг психологик билимларни ошириш тадбирларини белгилаш;

- вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмиirlарнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Эргаш Фозиев ОНТОГЕНЕЗ ПСИХОЛОГИЯСИ 194 бет 2010 й
2. Фозилова Масрура Жумановна ЎСМИРЛАРДАГИ АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОР ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ 2021 й
3. Л.Гайнутдинова Болалар ва ўсмиirlарда хулқ оғишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар. 2014 йил, 6 июнь
4. Захаров А.И. Как предупредить отклонения в поведении ребёнка.: 1986
5. Леви В.Л., Нестандартный ребёнок М., «Левицентр», 1996